

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-ИЛ ЧИҚИШИ.

№ 63 (4310).

31
МАРТ
СЕШАНБА
1970 ЙИЛ
Баҳоси 2 тийин

ПЛАН МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИЛДИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий Статистика бошқармаси қўйдагиларни хабар қилди: республика саноати ходимлари В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги шарафига олиган социалистик мажбуриятлари бажара бориб ишлаб чиқаришда янги муваффақиятларга эришдилар — 1970 йил январь — март плани реализация қилинган маҳсулот ҳажми бўйича муддатидан илгари, 29 мартда бажарилиди. Квартал охиригача планга қўшимча равишда неча ўн миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва реализация қилинади.

Республика саноат корхоналари кўмир, нефть, газ қазиб чиқариш, прокат, электр динателлари, тозаланган нефть маҳсулотлари, дераза ойна, цемент

ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш юзасидан берилган квартал тошхиринларини бажардилар. Аҳолининг эhtiёжларини қондириш учун планга қўшимча равишда халқ истеъмол қиладиган бир қанча молларини ишлаб чиқариш таъминланди.

Олмалиқ химия заводи, Чирчиқ электротехника комбинати, «Жанубий оламушук» нефть кони, Чирчиқ шина заводи, Ангрен бинокорлик материаллари комбинати, трактор — йнгул заводи, Андикондаги «Электродвигатель» заводи, пахта тозалаш, мебель, пойфазал ва бошқа саноат тармоқларидаги бир қанча корхоналар ўз ишларида юксак натижаларга эришдилар.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТИМИЗНИНГ колхоз-совхозларида ўтган йилдаги нисбатан бу йил полиетилени плёнкалар остига иккинчи баравар кўп ерга сабзавот экинлари экилган. Бу соҳада сабзавот етиштиришга ихтисослаштирилган Калинин ва Оржоникидзе районининг деҳқонлари яхши натижаларга эришди. Улар аҳолининг йил бўйи сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш учун курашиб, юбилей йилида 643 гектар майдонда турли сабзавотларни парвариш қилишди. Суратда: Калинин районидаги Карл Маркс номи колхозда полиетилени плёнкалар остида ўстирилган бодрийн палаклари.

Қ. Розиков фотоси, (ЎзТАГ).



ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ «Горняк» богдорчилик совхоз далаларида ўстирилган эртаги редискалар пишиб етилди. Суратда: Х. Йўлдошева (чапда) ва Н. Тошматова ўртоқлар редискалар сифатини кўришяпти.

В. Литвинов фотоси.

Кооператорлар ЮТУГИ

Область матлубот жамияти коллективи доҳиймиз Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг юз йиллик юбилейи шарафига бошланган умумхалқ мусобақасига қўшилди. 1970 йил биринчи квартал товар оборот тошхиринини муддатидан илгари бажардилар.

Кооператорлар йил охиригача аҳолига яна 2 миллион 730 минг сўмлик қўшимча озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари сотиш юзасидан ўз эминларига оширилган мажбурият олдилар.

Шу кунларда область матлубот жамиятининг аҳил коллективи бутун куч ва имкониятларини колхоз ва совхозларда баҳорги экишга қизгин тайёргарлик қўраётган деҳқонларимизга маданий савдо хизмати кўрсатишга қаратишмоқда.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА БЕДА ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА

30 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун-районлари, иккинчи стун-беда экиш мажбуриятини унчинчи стун-экилган майдон, туртинчи стун-планнинг бажарилиш проценти, бешинчи стун-шу жумладан бошқа экинларга аралаштириб экилган беда.

ЎРТА ЧИРЧИҚ	1700	1774	104,4	1637
БЎСТОНЛИҚ	390	405	103,8	242
ЯНГИНУЛ	2000	2041	102,1	1675
ОРЖОНИКИДЗЕ	850	850	100,0	820
НАЛИНИН	850	850	100,0	850
БЕНОБОД	1660	1426	85,9	1426
ОЧКУРГОН	2400	1996	83,1	1754
БУЧА	1700	1342	78,9	1322
ЮНЮР ЧИРЧИҚ	1450	865	59,7	232

Область бўйича: 13000 11540 88,8 9978

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ

ФАРМОНИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ МИЛЛАТЛАР СОВЕТИГА
САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ЎЗБЕКИСТОН ССР
САЙЛОВ КОМИССИЯСИ СОСТАВИНИ
ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

«СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги низоми»нинг 39, 40 ва 41-моддаларига асосан СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи Ўзбекистон ССР сайлов комиссияси жамоат ташкилотлари, меҳнаткашлар жамиятлари ва коллективларнинг қўйдаги вакиллари билан иборат составда тасдиқлансин:

Сайлов комиссиясининг раиси — Корнев Абдусамат Азимович — «Ўзбексельмаш» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Сайлов комиссияси раисининг ўринбосари — Соликов Обид — Ўзбекистон ССР Фарла анадемияси олимлари ва илмий ходимларидан.

Сайлов комиссияси секретари — Орлов Георгий Михайлович — Ўзбекистон маданият ходимлари касаба союзида.

Сайлов комиссиясининг аъзолари: Ойлов Жангабой — Нукус шаҳридаги 166-қўрилиш трести ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Абдуразақова Дилбар Аббосовна — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ешлар Союзидан.

Верагина Анна Сергеевна — Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент тўқимачилик комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Жирков Георгий Алексеевич — Бухоро уйсозлик комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Завьялов Алексей Захарович —

— Ўзбекистон касаба союзлари республика советидан.

Каримов Карим — армияга, авиацияга ва флотга ёрдам қўйиладиган илмий (ДОС) АФ) республика комитетидан.

Каримова Давроной — Фарғона область, Маргилон шаҳар болалар медицина бирлашмаси коллективидан.

Монбеков Бобоход — Сирдарё область, Пахтаворол районидagi «Олга бос» колхоз аъзоларидан.

Машарипова Лолажон — Хоразм область, Урганч районидagi Охунбобоев номи колхоз аъзоларидан.

Муҳиддинов Мирза — Андикон область коммунистик ташкилотидан.

Неъматуллаева Мукаррам — Намангандаги иккинчи тикувчилик фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Нуъмонов Қомил (Яшин) — Ўзбекистон Езувчилар союзида.

Остонова Муассар — А. Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети профессори, унвонлилар состави ва студентларидан.

Рибалко Василий Иванович — Тошкент область Янгийўл шаҳар коммунистик ташкилотидан.

Ҳақбердиев Қурбон — Қашқадарь область Шахрисабз районидagi Энгельс номи колхоз аъзоларидан.

Ҳамроева Султон — Давлат муассасалари ходимлари Термиз шаҳар касаба союзи ташкилотидан.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раяси

Е. НАСРИДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Р. САХИБОВЕВ.

1970 йил 30 март.

Тошкент шаҳри.

ОБЛАСТЬ САНОАТЧИЛАРИ ҒАЛАБАСИ

Тошкент шаҳри ва областининг саноатчилари доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ мусобақасига қўшилди. 30 март кўни саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш биринчи квартал планларини бажарди адо этилди. Март охиригача планга қўшимча бир неча миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Тошкент шаҳри ва областининг саноат корхоналари коллективлари кўмир қазиб чиқариш, прокат, цемент, дераза ойнаси ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш квартал тошхиринини ҳам муваффақиятли адо этилди.

Аҳоли эhtiёжлари учун планга қўшимча равишда қўлаб халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариламоқда.

Областимиз саноатчиларининг бу муваффақиятга эришишларида айниқса Олмалиқ химия заводи, Чирчиқ электротехника комбинати, Чирчиқдаги ойна заводи, Ангрендаги қўрилиш материаллари комбинати, Ўзбекистон трактор-йнгул заводи, шунингдек қўшма пахта тозалаш, мебель, пойфазал ва саноатимизнинг бошқа тармоқларидаги корхоналарнинг коллективлари қўшган ҳиссалари катта бўлди.

Меҳнатсевар ишчилар беш йиллик тошхирини бажарди адо этиш учун бир қайратларига ўн қайрат қўшиб ишламоқдалар, доҳиймизнинг тобора яқинлашиб келаётган муборак юбилейи шарафига меҳнат армуғонларини қўпайтирмоқдалар.

ҚУЗИЛАТИШНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТКАЗАЙЛИК

ХАЛҚ ҳўжалигимизда деҳқончилик билан бир қаторда чорвачилик ҳам салмоқли ўрни тутади. Шу боисдан партия ва ҳўкуматимиз жамоат чорвачилигини ҳар томонлама ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор бериб келмоқдалар.

Бўйи яхши тушунган областимизнинг азамат чорводорлари КПСС XXIII съезди, партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, моллар туғини кўпайтириш, совлиқлардан олинмадиган қўзилар сонини ошириш, чорва маҳсулоти кўтариш соҳасида бирмунча ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Ўтган йили қиш нийоятда оғир келди. Деҳқончиликдаги қабил чорвачиликда ҳам қатор қийинчиликлар юз берди. Лекин шунга қарамай қўй-қўзиларни қишдан омон-эсон олиб чиққан, қўзилатиш ва жўн қирқиш кампанияларини намунали ўтказган ҳўжаликлар кўп бўлди.

Калинин районидаги Охунбобоев номи совхоз ани шундай ҳўжаликлardan. Совхоз коллективи чорвачиликдан йил сайин муттасил катта даровад олиб келмоқда. Чорва туғини кўпайтириш бўйича белгиланган давлат планларини ошириб адо этмоқда. Келес йил-ловларининг шўқорларни бўлган чўпонлар ҳар юз бош совлиқдан 110—120 тадан кўзи олинга эришмоқдалар.

Чорвачиликни ҳар томонлама ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшаётган бундай ҳўжаликларнинг чўпонлари бу йил ҳам эришилган ютуқларга ютуқлар қўшиб учун, эл олдида берган ваздаларининг устидан қиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Шу кунларда чорводорлар ҳаётида муҳим даяр бошланди. Областимизнинг қўшма ҳўжаликларидида қўзилатиш кампанияси қизиган давом этмоқда. Чўпонларни беш йилликнинг якуниловчи йилида, Ленин йили деб аталган 1970 йилда олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун юбилей вахтасида турлиб тер тўқмоқдалар.

Колхоз ва совхозларнинг чорводорлари бу йил давлатга 23,5 минг тонна гўшт, 74 минг тонна сўт, 850 тонна жўн етиштириб берамиз, қўй-ловларини 400 минг бошга етказамиз, деб аҳд қилишди. Улар мажбурият олдиқини, уни албатта бажарамиз, деган широр остида қайрат-шиқоят намуналарини кўрсатмоқдалар. Янгийўл районидида Жамбул

номи совхозда донг таратган С. Кошкинбоев, Юқора Чирчиқ районидида «Правда» колхозини чўпони Қ. Давлатбеков, 4-«Оҳангарон» совхозидан С. Аҳмедов, О. Қўшқов, Бўстонлиқ районидида Фрунзе номи колхоз чўпони А. Кошкинбоев ўртоқлар моҳир, ўз ишларини мисқдан сиритгача билидиган чорводорлардан ҳисобланадилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1969 йил 14 апрелдаги қарори ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XV пленуми қарорларидида жамоат чорвачилигини кескин ривожлантиришдаги асосий вазифалар белгилаб берилган «Барча турдаги моллар ва паррандалар қорвақлиги туғини, гўшт, сўт, тўхум ва бошқа турдаги чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтиришни муттасил ошира бориш партия, совет ва қишлоқ ҳўжалик ортиларининг, колхоз ва совхозларнинг, қишлоқдаги барча ҳодимларнинг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин» дейилди Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XV пленуми қарориди.

Ленин ҳали ҳам айрим колхоз ва совхозларда чорвачиликни қўпийдагидек ривожлантириш ва маҳсулдорлигини ошириш бобидида мавжуд ресурслар ва бошқа моддий имкониятлардан тўлиқ фойдаланмаётганлар, буттур қишда чорвачиликка кўрилган зарарларнинг ўрнини қоплаш учун барча чораларни кўраётганлар. Жўмладан, Оққўрғон районидида Войтинцев номи, Қўйбеге номи, Бекобод районидида Навоий номи, Оржоникидзе районидида «Октябрь» колхозларида ҳамон чорвачилик масалаларига ҳам эътибор беришмоқда.

Чорводорларимизнинг шу кунлардаги асосий ишларидан бири қўзилатиш кампаниясини соз ва юқори савияда ўтказишдан иборатдир. Қўзилатиш масуси ҳар бир чорводор зиммасига масъуллият вазифалар юқлайди.

Қўзилатиш пайтида совлиқларнинг, қўзиларнинг сўра побуд бўлишига йўл қўймаслик бош тадбирлардан бири ҳисобланади. Бу ишни қўзда тутилганлик амалга ошириш учун совлиқларни, қўзиларни соқуқ ҳавода қолдиришмаслик зарур. Қўзилари соғлом совлиқлардан озиқлантириш услари турли касалликлардан асраб қолиш имкониятини беради.

Қўзилатиш кампанияси гиғиена, ветеринария ва санита-

рия қондаларига риоя қилинган ҳолда ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Совлиқларнинг қўзиларини таъминлайдиган даражада серуст бўлиши учун уларни вақти-вақтида озиқлантириш ва сўғориб туришига эътибор берилсин.

Мавжуд қўй-қўзилар туғини тўла сақлаб қолиш масаласи ҳар бир чорводор ёнида турмоғи керак. Шу ваздан қўзилатиш мавсуми даврида бу ишга қўшимча равишда ишчи кучлари, транспорт воситалари ва ҳисобчилар ажратиб талаб этилади.

Наслилик алоҳида эътибор талаб қиладиган соҳалардан биридир. Қўй насл берадиган совлиқлар сонини ошириш ҳақида чорводорларимиз ҳар доим ўйлашлари керак. Бўйинг шартини — чорвачиликни илмий асосда ташкил этиш, совлиқларни боқиб ва парвариш қилиш процессларини машиналаштиришдир. Ингтор тажриба, мутахассисларнинг қимматли маслаҳатларига амал қилаётган чорводорлар бу соҳада қувончли натижаларга эришмоқдалар.

Қўзилатиш пайтида бу ишда қатнашаётган чўпонларга, ферма ҳодимларига зарур маданий-маиший шароитлар яратиб бериш ҳам унутмаслигимиз керак. Қўйма дўқонлар яйловларга чиқсин. Киноустановкалар чорводорлар хизматида бўсин. Газета-журналлар ўз вақтида отарларга етказиб бериб турилсин.

Қўзилатиш мавсумини муваффақиятли ўтказиш таъминлаш кўп жиҳатдан район партия, совет ва қишлоқ ҳўжалик органлари раҳбарларига ҳам боғлиқ. Улар чорвачиликка раҳбарлик қилишни доимо яхшилашлари, қўй-қўзилар сонини кўпайтириш ҳақида ғамхўрлик қилишлари, чорва маҳсулдорлигини ошириш маҳсулот таннахрини арзонлаштириш чораларини қўйишлари ва шундай қилиб юбилей йилида улкан ғалабаларга эришишимизга ҳар томонлама ҳисса қўйишлари керак.

Областимизнинг саҳий, марду-майдои чорводорлари беш йилликнинг сўғиги йилида она-Ватанга қўлаб гўшт, сўт, жўн етказиб бериш учун доҳиймиз В. И. Ленин тавадлулининг юз йиллигини меҳнатда муносиб туҳфалар билан кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ленин юбилейи йили чорвачиликка ҳам улкан зафарлар йили бўлсин.

Чорвачилик соҳасидаги план ва мажбуриятларимизни шараф билан бажариш жасорат ва матонат кўрсатиб ишлаётган ҳар бир чорводорнинг муқаддас бурчидир.

ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Ўзбекистон ССР гўшт ва сўт саноати — министрлигининг қорхоналари биринчи квартал программасини бажариб қўйишди. Корхоналарнинг коллективи Ленин юбилейини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, иккинчи миллион сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олишди.

(ЎзТАГ).

ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТИ КЎПАЙМОҚДА

КЎКТЕРАК (Телефон орқали олинди). Калинин районидидаги генерал Собир Раҳимов номи колхоз чорводорлари ҳар йили ҳам молларни семиртириб боқиб, давлатга қўлаб гўшт етказиб бермоқдалар. Юбилей йили тошхиринлари ҳам одатда кўра муваффақиятли бажарилиди. 40 тонна ўрнига 42,8 тонна семиз гўшт етказиб берилиб бу соҳадаги йиллик план ошириб адо этилди.

Сўт соғувчилар, паррандабонлар колхознинг бурдоқчилик сингари фидокорона меҳнат қилаётганлар. Улар ҳам яхши натижаларга эришмоқдалар. Колхозда давлатга сўт сотиш квартал плани бажарилишига бир ҳафта бўлди. Мулжалдаги 105 тонна ўрнига 130 тонна сўт етказиб берилди.

Келес дарёси бўйига жойлашган паррандачилик фермаси ҳодимлари ҳам қайрат кўрсатишмоқда. Ҳозиргача 15 минг ўрнига 20 минг данга туҳум етказиб берилиб квартал плани бажарилиди.

Колхоз чорводорлари моллар ва паррандалар боқувини яхшилаш, маҳсулотни кўпайтириш, унинг таннахрини намайитириш йўлида бундан кейин ҳам астойдил ҳаракат қиладилар ва юбилей йили тошхиринларини муваффақиятли адо этиб, беш йилликни яхши натижалар билан якунлайдилар.

«КОСМОС—328» ПАРВОЗДА

1970 йил 27 мартда Совет Иттифоқида Ерининг набабдиги суқий йўлдоши «Космос-328» учирилди. Йўлдошининг ичига 1962 йил 16 мартда ТАСС аълон қилган программага мувофиқ космик фазони талқин этишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. (ТАСС).

Н. В. ПОДГОРНИЙНИНГ ЭРОНДА БЎЛИШИ

ТЕХРОН. 30 март. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиумининг Раяси Н. В. Подгорнийнинг мамлакатда бўлиши тўғрисида Эрондаги ҳамма газеталар жуда кўп материалларни босиб чиқаришмоқда.

«Техрон» жорнал» газетаси Совет Иттифоқидан келган олий меҳмон Исфрондаги металлургия заводидаги бориб мурғалигини шарҳлаб, «Совет Ит-

тифоқининг ёрдами билан қурилган бу корхона иккала халқ ўртасидаги доимий ва мустаҳкам дўстликнинг ғамзидир» деб ёзади.

Газета Н. В. Подгорнийнинг Эронда қилган визити Эрон-Совет муносабатларини янада ривожлантиришга баракали таъсир кўрсатади, деб ишонч билдиради.

Эроннинг сиёсий доиралари

шунга аминдиларки, деб ёзади «Анжан» газетаси. Совет Иттифоқи билан Эрон ўртасида таркиб топаётган муносабатлар иккала мамлакатнинг экономика, техника, фан ва маданият соҳасидаги ўзаро муносабатларини янада ривожлантириш учунгина катта аҳамиятга эга бўлиб қолмай, шу билан бирга ялпи инқилбининг мустаҳкамлашга қўшилган ҳисса ҳам бўлади.



БЎСТОНЛИҚ районидидаги Карл Маркс номи колхозда қўзилатиш кампанияси муваффақиятли ўтмоқда. Чўпонлар совлиқларни ва қўзиларни меҳр билан парвариш қилиб, чорва туғини кўпайтириш йўлида баракали меҳнат қилмоқдалар. Ш. Маҳамбетов бош бўлган отарда ҳозирнинг ўзидек ҳар 100 совлиқдан 115 бошдан қўзи олинди. Суратда: чўпон Ш. Маҳамбетов ва ферма мудри Б. Худойбергенов.

Н. Абдураҳмонов фотоси.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ СЕКРЕТАРИ МИНБАРИ

МЕХНАТГА КОММУНИСТИК МУНОСАБАТ

Мехнат билан шунчалик рўшонилик эришдики. Янги уй-ойил, мол-ҳайли, обрў-эътиборли бўлди.

Мехнатга коммунистик муносабатда бўлаётганлиги учун ҳам колхозимиз йил сайин сардоромад хўжаликка айланиб боришти. Ҳар бир хўжалик соҳасида бўлганидек, бизда ҳам бутун соҳани камраб оладиган йиллик план тузилади. Бу план коммунистларнинг очик йиғилишида кенг муҳокама қилинади.

Шунинг айтиш керакики, планнинг ҳомакиси олдиндан колхозимиз ветеранлари, тажрибали коммунистлар иштирокида, улар фикри асосида тузилади. Партия йиғилишида бу план яна бир бор муҳокамага ўтиб, кўради тўғрисида қарар қабул қилинади. Маъна шундан кейин йил давомига планнинг баъдарилиши, доимо диққат-эътиборида туради.

Колхоз бошлангич партия ташкилоти давлат планларининг бажарилишида коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш, социалистик мусобақани кенг қўлчи ёлдириш, илгор тажрибавари оммашатиришига алоҳида эътибор беришти. Бу соҳада вақти-вақти билан цех партия ташкилотлари ҳисоботларини тинглаб, уларга керакли

йўл-йўриқлар бериб борамиз. Одатда бундай йиғилишлар олдиндан махсус комиссия ҳисобот бериши лозим бўлган цех партия ташкилоти ишлари ҳар томонлама текшириб, ютуқ ва камчиликлари урганиб қайтади. Ҳисобот мажлисида цех партия ташкилоти секретарининг ҳисоботи тингланган, текширув комиссияси аъзолари ўз фикр-мулоҳазаларини баён қиладилар.

Богдорчилар бригадасида ўтказилган шундай йиғилишлардан бирини айтиб ўтмоқчи эдим. Унда богдорчилик агрономининг ҳисоботи тингланган. Нотиқ ўтган хўжалик йилида қўлга киритилган ютуқлар ҳамда йўл қўйилган айрим камчиликлар ҳақида батафсил гапириб ўтди. Бу йилги қилинадиган ишларга ҳам тўхталди. Шундан сўнг муҳокама бошлангич коммунистларнинг мулоҳазаси ва таклифлари тингланди.

Кекса коммунист, кўп йиллардан бери богдорчилик соҳасида ишлаб келатган Тилланазар ака Турсунов фойдали фикрларни ўртага ташлади. У ишқом учун тол пойларни етиштиришни ўртага ташлади. Ишқомчиларнинг тақдир эди: Ишқомчиларнинг раҳбарлиги тақдир эди.

Кекса коммунистнинг жон куйдириб айтган фикрлари кўпчилик томонидан қизғин маъна билан қабул қилинди. Эндиликда ушбу гектар ердаги узумзор сим бағазга айланди. Бунинг талғибига кўламликлари боришини амалда сингалаш, шу усулни кенг қўллаш кўзда тутилмоқда.

Колхозимиз — асосан савзавотчилик хўжалиги. Коммунистларимиз олдинги йилларда қўлга киритилган муваффақиятларни мустаҳкамлаган ҳолда бу йил тўлиқ гектар ва тўлиқ кўчат учун курашни кенг авж олдириб юбордилар. Бу ишда коммунист Рашид Ҳасанов, Набиҳўжа Эшонов, Саидазиз Арслонларнинг бригадалари алоҳида ташаббус кўрсатмоқдалар. Бу бригада аъзолари эртанги экинларни барвақт етиштириш борасида кўп ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Бу йил 10 гектар ерга бодиринг, 10 гектар ерга помидор, 1 гектар ерга қарам қанда редиса экилиб планга остида ўстирилмоқда. Планга остида ҳосил етиштириш усули ҳозир деҳқонлар учун жуда кўп келатгани. Бу ишда ҳам коммунистларимизнинг ўрнатган кўрсаткичи, меҳнат қилаётганлиги кўнчаларини.

Тажамкорлик — коммунист

тик ҳислат. Биз кишиларни ҳар бир сўзини ўз ўрнида сарфлаш, эл бойлигини кўз қорачиқидан асрашга оdatлантираолмай. Рақамларга мурожаат қилмайлик. Биргина тракторчилар бригадасининг ўзи 1966 йилда 1232 сўм, 1967 йилда 830 сўм, 1968 йилда эса 402 сўмлик енгилги ва ахтиёт қисмларини тежашга муваффақ бўлди. Ўтган йили натижа яна ҳам кўнчаларини. Ўз бурчига содиқ механизатор коммунистлар эндиликда ишлаб чиқариш режасларини яна ҳам кўпроқ қилиб топши, тежамкорлик бўйича бошланган социалистик мусобақани янада кенг қўлчи ёлдириш учун курашмоқдалар.

Колхоз коммунистлари яқинда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитетининг ишлаб чиқариш режасларидан тўлароқ фойдаланиш ва халқ хўжалигида тежамкорлик режимини кучайтиришга чорловчи Хатинг муҳокама қилинди. Бу хат ҳамма-мизнинг эътиборига қаратилди. Юбилей йилида ҳам меҳнат сарфлаб, кўпроқ маҳсулот етиштиришга ҳаракат қилмоғимиз керак.

Бу борада дастлабки ишларни бошлаб юбордик. Эртаги

экинларни одатдагидан барвақт етиштириш учун бутун ймюниятларимизни ишга содирмоқдамиз. Жумладан, 100 гектар картошка, 90 гектар пияз, 7 гектар сабзи, 37 гектар қарам, 7 гектар бодиринг, 3 гектар редиса, 3 гектар ош лавлаги экидик. Бир ярим миллион помидор кўчатини экинга тайёрлаб қўйдик.

Бу йил биз ишлаб чиқаришда коммунистларнинг авангардлик ролини оширишга асосий участкаларни малакали кадрлар билан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бераймиз. Илгарилар қўлоқ ҳисобланган 9-бригадада коммунист С. Арслоннинг бошлиқ қилиб тайинланди. У ишни аввало қўлоқлик сабабларини урганишдан бошлади. Бригада аъзоларининг фикри ва мулоҳазаларини диққат билан эшитди.

Махсулдорликни ошириш, ички ймюниятлардан тўла фойдаланиш ҳолда юбилей хирмонига ҳосил қилиш ҳар бир коммунистнинг шарафли бурчидир. Бунинг биз тобора чуқурак ҳис этаймиш.

Х. ҲАКИМОВ,
Калинин районидаги Охун-бобоев номида колхоз партия ташкилотининг секретари.

МЕХНАТ ЗАРБДОРЛАРИ



КОММУНИСТ Анавар Бенов 19-йилдан буюм бойтахтимиздаги 2-пояфаза фабрикасида ишлаб келмоқда. У юмдаллик ва оилли топириқларини мунтазам бир ярим баравар ошириб адо этмоқда. Суратда илгор ишчи ўртоқ А. Бенов махсулот сифатини кўзда кечирмоқда. М. Нуриддинов фотоси.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Сихат-саломатлик — туман бойлик, дейди халқимиз. Чиндан ҳам саломатликка не етсин! Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда ва турли касалликларнинг олдини олишда биз шифокорлар зиммасига улкан вазифалар юклатилган. Районимиз медицина ходимлари ҳам ўз касбиюларини эъзозлаб, фаол меҳнат қилиб келмоқдалар.

Ҳозир район соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли даволаш-профилактика муассасасида мингдан ортиқ медицина ходими ишлаб турибди. Бу шифокорларнинг аксарияти ўз касбининг моҳир устасларидир. Кўпгина коллективлар ташаббус билан медицина практикасида турли илгор даволаш усуллари жорий қилинди. Уларнинг бош шифокорларини эндиликда бошқа медицина ходимлари учун тажриба мактаби бўлиб қолди.

Районимиздаги 17-поликлиникининг бош врачлари А. Эшонхўжаева, район санитария-эпидемиология станциясининг бош врачлари М. Новикова, 1-пояфаза фабрикаси медицина-санитария қисми бош врачлари К. Қосимов, физиотерапия поликлиникасининг бош врачлари З. Назруллаева ва бошқа шифокорларимизнинг ибратли ишлари ҳам мактовга сазовордир. Бу моҳир шифокорлар раҳбарлиги қилаётган медицина ўқоқлари хизматидан аҳоли миннатдор. Айниқса, кейинги йилларда даволашнинг илгор усуллари кенг жорий қилинди. Натияжада турли касалликларнинг олдини олиш аниқ яхшиланди, даволаш шифоли намуналари йўлга қўйилди.

Районимизда шифокорларнинг йиллик саноат корхоналари жойлашган. Уларда ишлаб турган медицина-санитария қисмлари шифокорлари ҳам тадбиркорлик билан иш юритмоқдалар. Санитария-профилактика ишларини яхшилашда район санитария маорифи уйи коллективининг ҳам хизматлари каттадир. Янгидан ташкил топган бу медицина пропагандаи ўчоғи томонидан қатор яхши тадбирлар белгиланди. Санитария маорифи уйи Қизил Ярм ой жамаияти район комитети билан ҳамкорликда дастлабки ишларни амалга оширди. Дорилар ҳаракати кенг қўлчи ёлди. Кўп киши дорилар сафидан ўрин олди. Санитария дружина штаби йўли билан ободонлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилди.

Куч—бирликда деганларидек, медицина ходимларимиз район партия ва совет органлари, кенг жамоатчиликнинг кўмағига таянмоқдалар. Шифокорлар учун янги бинолар қурило, фойдаланишга топширилди. Район соғлиқни сақлаш бўлими, санитария-эпидемиология станцияси, бактериология лабораторияси ва санитария маорифи уйи янги бинога кўчиб ўтидилар. 17-поликлиника жойлашган бино саҳни келтирилди.

Шунинг айтиш керакики, кейинги йилларга қадар район касал-хонаси ва туғруқхонаси йўқ эди. Эндиликда ана шундай медицина ўқоқларини очини учун ҳамма ймюниятларга эгамиз. Ҳозир «Таштестильман» кўчасида янги касалхона учун бино қурилади. Бу ерда 240 дан ортиқ ўрин бўлиб, даволаш ишлари замонавий усулларда олиб борилади. Шунингдек, 2 та янги поликлиника ҳам фойдаланишга топширилди. Шу йилнинг октябрга бориб, 120 ўринли туғруқхона иш бошлади. Келгуси йили эса шифокорлардан энг йиллик ҳисобланган стоматолог поликлиника қурилади.

Ушбу доҳийимиз В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги тобора яқинлашиб келтишти. Районимизнинг кўпсонли медицина ходимлари ҳам бу улуғ санага муносиб совғалар ҳозирламоқдалар.

Ушбу йили медицина муассасалари коллективлари шонли юбилей муносабати билан янги социалистик мажбуриятлар олдинда эди. Кўпгина коллективлар ўз бурчларини шараф билан адо этдилар. Социалистик мусобақада ҳам дастлабки якуни эсладик.

Ҳозир жойларда идеологик ва сийсий тарбиявий ишлар кенг авж олдирилган. Тажрибали шифокорларимиз томонидан уюштирилаётган савзавотчилик нечалари меҳнатқилларда айниқса катта қизиқиш уйғотмоқда «В. И. Ленин ва халқ соғлиғи», «Ота-она ва шифокор», «Болаларнинг юкумли касалликлардан сақланг», «Еш оналар саломатлиги ҳақида» каби тематик суҳбатлар ҳам бўлиб ўтди.

Районимиз медицина ходимлари аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатиш билан шонли юбилейни қаршилайдилар. Бу, ҳаёт тақозосидир.

А. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Фрунзе район соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири.

БҲУТУНИТИФОҚ «Мелодия» фирмасининг Тошкент бўлимида товуш ёзиб олиш студияси бор. Бу ерда магнит пленкасида доҳийимиз В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллик юбилейига аталган кўшиқлар ва асарлар ёзилмоқда. Суратда катта инженер Владимир Удовиченко пулти товуш ёзишга ҳозирламоқда.



Д. Глауберзон фотоси.

Мактаб партия ташкилотлари секретарлари йиғилиши

Улуғ доҳийимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига мактабларда қизғин тайёргарлик кўриломоқда. Область мактаблари бошлангич партия ташкилотларида бу шонли санага қандай тайёргарлик кўриломоқда.

Яқинда ана шу масалаларга бағишланган область мактаблари бошлангич партия ташкилотлари секретарларининг семинари бўлиб ўтди. Семинарда доҳий В. И. Лениннинг шонли юбилейи муносабати билан мактабларнинг педагогик коллективлари вазифалари ҳақида Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари ўртоқ Б. М. Истомин доклад қилди.

Область халқ маорифи бўлими мудирининг ўринбосари ўртоқ И. С. Николаев янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш ва

умумий ўрта таълимга ўттиш тадбирлари тўғрисида гапириб берди. Шунингдек йиғилишда В. И. Ленин номидаги республика дорилар уйининг директори Э. Маъдиева, марказий ёш техниклар станциясининг директори Ш. Алиев, марказий эскурция станциясининг директори Р. Боборайимов, Олмалиқ шаҳридаги 15-мактаб бошлангич партия ташкилотининг секретари Т. Юсупова, Ўрта Чирчиқ районидagi 82-ўрта мактаб бошлангич партия ташкилоти секретари А. Холтуров ва бошқа ўртоқлар тадбирлар.

Кенгаида муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

С. СОБИТОВ,
область халқ маорифи бўлимининг бош инспектори.

САРА УРУҒ—ҲОСИЛ БЎЛУҒ

Кенг далалар узра баҳор нафаси уфурмоқда. Пахтакорлар беш йилликнинг сўнги йилида ҳам баракали ҳосил етиштириш учун ҳозирламоқда энг шифариш ишга киришдилар. Юзлаб кўдрлик техника далаларда жавлон урмоқда.

Ойнинг умуми пахтакорларнинг мўл ҳосил етиштиришларида трестимизга қарашли пахта тозалаш заводларининг ҳам хизмати бор. Чунки трестимиз коллектив вақчалик сара, аъло сифатли чигит етказиб берса, кўчатлар шунчалик беҳато уйиб қинади, ҳосил бўлуғ бўлади. Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси шунинг ҳис этиб ишламоқда.

Будутур чигит экинда анчагина қийинчиликлар юз берди. Об-ҳаво ниҳайти қилиб, баъзи майдонларда чигит қайта экилди. Бу трестимиз коллектив зиммасига янги вазифалар юклатди, чунки пахтакорларга етарли мийдорда уруғ етказиб бериш биринчи галдаги бурчимиздир.

Бу йил областимиз колхоз, совхозлари учун 18 минг 100 тонна сара уруғ етказиб бериш белгиланган эди. Лекин, об-ҳаво ниҳайти қилиб, баъзи майдонларда чигит қайта экилди. Бу трестимиз коллектив зиммасига янги вазифалар юклатди, чунки пахтакорларга етарли мийдорда уруғ етказиб бериш биринчи галдаги бурчимиздир.

Трестимизга қарашли сара уруғ заводларида сара уруғ тайёрлаш, туксизлантириш, стандарт бўлмаган уруғлик чигит тайёрлаш ишлари амалда сингалашмоқда. Бу йил 20 минг 22 тонна уруғлик чигитни дорилар кўзда тутилган эди. Лекин, об-ҳаво шароитларини ҳисобга олиб, ахтиёт шарт, яна 3 минг тонна ортиқ чигитни дорилар учун ҳаракат қилишимиз. Узоғи билан 5 апрелгача қўлимиздаги ҳамма уруғлик чигит тўла-тўғис дориланади. Янги йилда Қашқадар ва Хоразм областларидан ҳам уруғлик олинмади. Бу ҳам Тошкент области пахтакорларининг ишлари бирмунча енгиллаштиришга ёрдам беради.

Туксизлантирилган чигитнинг ҳам аҳамияти катта. Бунинг ҳисобга олиб 250 тонна шундай уруғ тайёрлашга киришилган эди, бунинг асосий қисми туксизлантирилиб бўлди.

Пахтакорлар эҳтиёжи учун сара уруғини ўз мундарида тайёрлаб беришга эришган Янгийўл, Алимкент, Ўртасарой, Бекобод, Далварзин ва Бўғдашдаги пахта тозалаш заводларида ҳамда пахта тайёрлаш пунктларида ибратли ишлар амалга оширилди. Айниқса, Ўртасарой, Алимкент, Янгийўлдаги корхоналаримизда ҳар навбат ва чигит репродукцияси алоҳида алоҳида сақлан, уларнинг аралишиб кетишига йўл қўймаслик борасида яхши ишлар қилинди.

Чигитларни дориларни ишчиларга бизда қўлай шарт-шароит

ярлатиб беришган. Х. Қосимов, Н. Бобоев, В. Гусев, Н. Ситников ва бошқа раҳбарлик қилаётган Алимкент, Далварзин, Бўқа ва Бекобод пахта тозалаш заводларида ҳам уруғлик чигит тайёрловчи ишчиларга барча қўлайликлар яратилган.

Авалларини уруғлик чигит тайёрлаш фақат кўл куч билан бажариларди. Бу йил Чинозда чигит дориларни цех ишга туширилди. Илгари кўл кучи билан бир неча-кундада 45—50 тонна чигит дориланса, янги цех ишга тушган 100—110 тонна уруғ дориланган бўлди. Трестимиздаги мавжуд 10 та пахта тозалаш заводиди ана шундай дориларни цехлар кўчилиши мўлжалланган. Бу эса келгусида пахтакорларимизга зарур уруғликни етказиб беришга катта ёрдам беради. Шунинг айтиш керакики, дориларнинг чигитларнинг, дориларнинг, ва туксизлик даражаси стандарт талабларига жавоб берадиган тарзда сифатли тайёрланади.

Областимизда будутур пахта тайёрлаш йиллик планининг бажарилаш қилишга қўзғаниш вилт билан касалланиши ҳам сабаб бўлди.

Бунинг олдини олиш мақсадида бу йил вилт билан зарарланмаган участкалардан териб олинган ҳосилдан уруғлик чигит тайёрланди. Бундан таққари, вилт билан зарарланмаган Хоразм ва Қашқадар областлари пахта ҳосилдан ҳам уруғлик тайёрлашимиз. «152—Ф»,

«159—Ф», «153—Ф» навлли вилтга чидамли пахта навлларини Наманган, Бухоро, Андижон областларидан олдик. Шунингдек, вилтга чидамли янги — «Тошкент-1», «Тошкент-2», «Тошкент-3» пахта навлларидан тайёрланган уруғларини областимиз колхоз, совхозларига тарқатдик.

Демак, кўришиб турибдими, уруғлик чигит тайёрлашда бу йил ўтган йиллардагига қараганда бир қатор янги тадбирлар амалга оширилди. Янги навллардан уруғлик тайёрлангани, чигитнинг олдин усулда эмас, янги цехда дорилангани бу борадаги энг муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Авваллари, уруғлик чигит солинадиган қороз ва қаноп колларини еттишмай қилиш ҳоллари юз берган эди. Бу йил бундай ҳолларни барвақт ва қўлай тайёрлаш учун заваркаларни ҳозирдан беришимиз.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси доҳийимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига дала ишларини тобора кучайтираётган азамат пахтакорларимизнинг оғирини енгил қилишга қаратилган. Трестимиз коллектив меҳнатсевар пахтакорларимизга мўл ҳосил етиштиришга озма-қўлини ўз ҳиссаларини қўшаётганларидан беҳад мамнун бўлишамиз.

Т. ОТАМЕТОВ,
Тошкент пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси.

ТАНИШИНГ: Тошкент асбоб-созлик заводининг 6-ш тоқари Зарифа Йўлдошева. У икки йил муқаддам урта мактабни битириб, заводга ишга келган эди. Шу йиллар мобайнида Зарифа ўз касбини пухта ўзлаштириб олди. У ҳозир уч станокда меҳнат қилмоқда. Суратда пешнада ишчи ўртоқ З. Йўлдошевани иш устида кўриб турибмиз. В. Сироткин фотоси.

ТУРЛИ КАСБ ЭҒАЛАРИ

ОТАХОН КУТУБХОНАЧИ

Китоб—инсоннинг энг ақил дўсти, ҳамроҳи ва билим манбаи.

2-«Охангарон» совхозини марказидagi кутубхона ҳар доим китобхонлар билан гавжам. Бу ерда китоб-тинчмас пенсционер Федор Иванович Варфоломеев ишлайди.

Шинамизга безатилган хонада бир текисда ҳавас билан тахланган китоблар қўзини қўнотиради. Хонага кираринида кўнотилган китоблар билан суҳбатлашмоқда. У пенсига чикса ҳам, бекор ўтиришни эҳ қўрмай, ана бир неча йиллар иш, шу ерда ишлаб келаяптир.

Кутубхонада деярли ҳар ойда китобхонлар учун турли мавзуларда суҳбатлар, семинарлар ўтказиб турилади. Уларга қандай китобларни кўпроқ ўқиш кераклиги тўғрисида йўл-йўриқлар берилади. Шунингдек, пенсционер отахон хонадонларда тез-тез бўлиб, китоблар уртасида туҳтутириш ишларини олиб боради.

Бу билим маскани ўзининг 500 га яқин актив китобхонига эга.

М. МИРАЗИМОВ.

УСТОЗДАН ЎРГАНИБ

Илгари тирсакли валларни шли-фотка қилиш учун улар авторемонт заводларига жуғатиларди. Натияжада автомашиналар ремонтда узоқ муддат туриб қоларди. Эндиликда бу ишни олтинчи разрядли тоқари Каримжоннинг ўзи аъло даражада бажармоқда.

Каримжон актив рационализатор ҳамдир.

«МАЗ—503» маркали автомобиль олдинги кўприк барабанини чиқаришда слесарлар кўп қийаланишарди. Каримжон «МАЗ—503» маркали автомобил олдинги кўприкни барабанини чиқариш сўлемчилигини тайёрлади. Бу эса ремонтчиларнинг вақтинча аяқ тежади.

«МАЗ» автомашиналарини рес-сорлари стремиларини чиқа-

риш ва маҳкамлаш ҳам катта жисмоний куч талаб қилади. Рационализатор йигит бунинг ҳам йўлини топти. Унинг тақлифи тўғрисида ишчилар меҳнати аниқ енгиллашди. Меҳнат умумдорлиги эса бир неча марта ошди.

Автобазда Каримжонга ҳа-зиллашмиб уни, универсал мутахассис дейишди, чунки у барча марказдаги автомобилларнинг агрегат ва узелларини беш қўлдай яхши билади.

У ўз маҳоратини қўлдан-қўлга ошириб бормоқда. Ҳозир иш-лаш билан бир қаторда ўқиб, ўз билимининг ҳам оширимоқда. Унинг мақсади деталларни ишлаш бўйича мутахассис бўлиб етишишидир.

Т. УСМОНОВ.

